

ТУМАН ҲОКИМЛАРИ САЙЛОВИ ЎТДИ

Туркистон вилоятининг тўртта туманида ҳоким сайловлари ўтди. Давлат раҳбари ташаббуси билан ўтган йили қишлоқ ҳокимлари, бу йил туман раҳбарларини халқ сайламоқда.

Минтақада сайловчиларнинг фаоллиги юқори даражада бўлди. Сайловчилар орасида аср яшаган ва илк бор овоз берган фуқаролар ҳам бор.

Республикада 45та туман-шаҳар ҳокимлари сайлови ўтди. Шу жумладан, Туркистон вилоятининг Сўзоқ, Байдибек, Мақтаарал ва Шардара туманлари бор. Тўртта тумандаги жами 185 сайлов участкаси эрталаб соат 7:00 дан ўз ишини бошлади. Барча сайлов участкалари моддий-техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланиб, имконияти чекланган фуқаролар учун шароитлар яратилди. Сайлов участкаларида эркин кузатувчилар ва кўнгилчилар фаол иш олиб борди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Туркий давлатлар ташкилотининг Х саммити доирасида имзоланган ҳужжатлар рўйхати эълон қилинди. Улар қуйидагилардан иборат:

- Астана акти;
- Туркий давлатлар ташкилотининг Х саммити декларацияси;
- Давлат раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни "Турк оламнинг энг олий ордени" билан мукофотлаш тўғрисидаги қарори;
- Давлат раҳбарларининг Туркий олам Молия марказлари мақомини бериш тўғрисидаги қарори;
- Турк ҳамкорлик ташкилотларининг янги байроқларини қабул қилиш тўғрисидаги қарор;
- Давлат раҳбарларининг тайинлашлар тўғрисидаги қарори;
- Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Туркий давлатлар ташкилотининг кузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарор;
- 6 феврални табиий офатлар қурбонларини хотирлаш куни ва Туркий давлатлар ташкилотининг ҳамкорлик куни сифатида тасдиқлаш тўғрисидаги қарор;
- Туркий давлатлар ташкилоти Котибиятининг бюджетни бошқариш қоидалари тўғрисидаги қарори;
- "Туркий давлатлар ташкилотининг доимий вакиллари тўғрисидаги Низом"ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор;
- Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг тегишли муассасалари ўртасида метрология соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги баённома;

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИСТИҚБОЛИ

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ Х САММИТИДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



салари ўртасида метрология соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги баённома;

- Туркий давлатлар ташкилотининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган транспорт коммуникациялари дастурини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси (йўл харитаси).

— Туркий давлатларнинг таҳдидларга қарши бирлашиши, ўзаро ёрдам кўрсатиши ва самарали чора кўриши жуда муҳим. Бугунги анжуман туркий интеграцияни мустаҳкамлаш йўлидаги биргаликдаги муваффақиятимиз бунинг ёрқин ифодасидир. Саммит

яқунлари бўйича қатор қарорлар қабул қилинди, ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг барчаси туркий оламнинг тараққиёти, мамлакатларимиз ҳамжиҳатлигини оширишга хизмат қилади. Бу минтақадаги ҳамкорликни ривожлантириш ва ташкилот нуфузини

оширишга улкан ҳисса қўшишига ҳам ишончим комил, — деди Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Туркий давлатлар ташкилотининг Х саммити келгуси йили Қирғизистонда ўтади.

Akorda.kz.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов Шанхайга амалий ташрифи доирасида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашув ўтказди, унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Алихан Смаилов Қозоғистон Хитой билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

— Икки мамлакат олий раҳбарияти ўртасидаги дўстона алоқалар ўзаро ҳамкорлигимизнинг барча жабҳаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Хитой раҳбари Си Цзиньпиннинг яқинда ўтган музокаралари "олтин 30 йиллик"нинг навбатдаги даврида қозоқ-хитой ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитиш имконини берди, — деди ҚР Бош вазири.

Хитой Қозоғистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Жумладан, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 35 фоизга ошди ва рекорд даражада 24,2 миллиард долларга етди. Жорий йилда



ҳам жўшқинлик давом этмоқда: ўзаро товар айирбошлаш ҳажми яна 21 фоизга ошди. Бош вазирнинг сўзларига кўра, жорий этилган визасиз тартиб Қозоғистон Республикаси ва ХХР ўртасида ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, савдо жараёнини соддалаштириш, ўзаро сармоялар ҳажмини ошириш ва туризмни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшади.

— Давлатларимиз раҳбарлари ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди. Биз қозоғистонлик ҳамкасбларимиз билан ушбу олий даражадаги келишувларни амалиётга татбиқ этиш учун саъй-ҳаракатларни биргаликда амалга оширишга тайёرمىз. Бундай ҳамкорлик халқларимиз турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади, — деди Ли Цян.

Қозоғистон Шанхайдаги йирик кўрғазмада сармоявий, савдо ва саноат имкониятларини намоёйиш этди ва ҚР Бош вазири А. Смаилов унда иштирок этаётган мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан биргаликда намоёйиш этилган миллий павильонлар билан танишди.

Primeminister.kz.

»» "Жанубий Қозоғистон" — ҳар бир хонадонга!

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари янги босқичга кирди. Энди ахборотни тарқатиш тезлиги, унинг мазмун, воситалари — барчаси жуда жадал ўзгармоқда. Ахборот маконидаги устуворлик кўп нарса ни ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз журналистларни демократик матбуотнинг асосий шарт ва талаби бўлган ҳолислик, ҳаққонийлик, халқ манфаатларига содиқлик каби тамойилларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга қўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар деб билади.

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.

Ў. ЖАНИБЕКОВ НОМЛИ МАКТАБДА

Янги ўқув йилининг иккинчи чорагидан бошлаб Саврон туманининг Бершинтўбе қишлоғидаги Ў. Жанибеков номли мактабга тажрибали педагог ва ташкилотчи Дилмира Файзиева раҳбарлик қилмоқда. Мактаб раҳбари ўтган йили май ойида таҳририят томонидан ташкил этилган "Жанубий Қозоғистон" — ҳар бир хонадонга" маънавият сафарининг фаол иштирокчиси сифатида газетамизнинг обунасига доимий жонкуяр.

2024 йилнинг биринчи ярмига 40 нусха газетани Ў. Жанибеков номли мактаб жамоаси мутлоа қилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ХЖ орқали —
Туркистон вилояти бўйича —
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича —
3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

ЭСКИ ИҚОНГА ГАЗ КЕЛДИ!



2019 йилда қурилиши якунланган иншоот беш йилдан буён тўхтаб турганди. Шу даврда вилоят бюджетидан 1,1 млрд. тенге маблағ сарфланган. Асосий газ қувури 2021 йилда фойдаланишга топширилган. Унинг узунлиги 112 чақиримдан зиёд. Мазкур "соқолли" қурилишни ўз назоратига олган минтақа раҳбари мутасаддилар ва пудратчиға вазифалар юклаб, муаммо ҳал қилинмоқда.



Бугунги кунда қишлоқда 20 мингга яқин аҳоли, 2300дан зиёд хонадон мавжуд. Иқонликлар турмуш тарзини қулайлаштирадиган табиий газ учун вилоят раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда табиий газга оид муаммолар мавжуд. Чунончи, 2018-2021 йилларда қурилиши ниҳоясига етказилган бўлса-да, 33та аҳоли манзили турли сабабларга кўра, табиий газга уланмай қолган эди. Ушбу масалалар навбати билан ҳал этилиб, бугунги кунда 16та қишлоққа газ берилди, қолгани йил охиригача уланади. Бундан ташқари, Мақтаарал, Жетисай, Саригоч, Келес туманларидаги автомат газ тақсимлаш станцияларининг қуввати оширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

▼

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ИМКОНИЯТЛАР БИСЁР

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашди. Бундай тadbирларда мунтазам иштирок этадиган минтақа раҳбари бу гал Туркистон шаҳрида тadbиркорликни ривожлантиришни ният қилган Алмати, Қарағанди вилоятларидан ташриф буюрган тadbиркорлар билан учрашди.

Шунингдек, туризм, агросаноат, қайта ишлаш соҳаси ва бошқа соҳалардан 50га яқин ишбилармон йиғилди. Эркин шаклда ўтган учрашувда 3Д темир панжара цехи вакили ҳам ўз таклифларини киритди. Йилига 180-300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган заводга молиивий ёрдам кўрсатилса, “Туркистон” индустриявий минтақасида янги цех очиш имконияти пайдо бўлади.

Темир ва ёғоч эшик ишлаб чиқариш цехи раҳбари ҳам корхонани кенгайтириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Шу билан бирга, дурадгорлик цехи раҳбарлари янги цех очишни режалаштираётганини таъкидлашди. Лойиҳа қиймати 0,4 млрд. тенгени ташкил этади. Маблагнинг 20 фоизи ўз харажатида, қолган 80 фоизи насия эвазига амалга оширилади.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Вилоятимизда ҳарбий қақирқ мавсумидаги масалаларни муҳокама қилишга бағишланган мажлис ўтди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Зулпихар Жўлдасов иштирок этган йиғинда кузги қақирқ даврида юзага келган масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда видео-селектор алоқа орқали туман, шаҳар ҳокимлари қатнашди.

Кун тартибидаги масала бўйича вилоят Мудофаа департаменти раҳбарининг ўринбосари Ерлан Манапов, Полиция департаменти маҳаллий полиция хизмати раҳбари Асилхан Тўреханов, туман ҳокимларининг ўринбосарлари маъруза қилди.

Мажлисни хотималаган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари қақирув мавсумини сифатли уюштириб, бўлажак аскарларни саралаб, Қуролли Кучлар сафини тўлдиришда сифатга эътиборни сусайтирмасликни топширди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил кузги қақирқда вилоятимиздан 900 нафардан зиёд фуқаро Ватан ҳимоясига сафарбар этилди. Кузги қақирқ мавсумида 2 минг нафардан зиёд фуқаро ҳарбий хизматга қақирилади.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ МУҲОКАМАДА



Хитой сармоядорлари иштирокида Туркистон вилоятида тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш мақсадида шомол ва куёш станцияларини барпо этиш мақсадида бир неча лойиҳа амалга оширилади.

Умумий қуввати 1260 МВт электр станцияларини қуриш учун Саврон, Сўзоқ, Байдибек, Ўрдабoши ва Тулкибoш туманлари танланган.

Муқаддам Хитой давлатига хизмат сафари билан борган вилоят ҳокими Дархан Сатибалди сармоядорларга истиқболли лойиҳаларни тавсия қилган эди. Минтақа раҳбари Хитойнинг йирик компанияларидан бири “Energy China International” президенти Ма Йингин

хоним раҳбарлигидаги хитойлик делегация билан учрашди. Томонлар қатор лойиҳаларни муҳокама қилишди. Хорижлик компания минтақани сув билан таъминлашга доир таклифларни қўллаб-қувватлади. Вилоят ҳокими обикор деҳқончилик масаласи муҳимлигига тўхталди. Шунингдек, Кентовдаги иситиш марказида қўшимча муқобил иситиш станциясини қуриш масаласи ҳам муҳокама қилинди.



МЕҲМОН КЕЛСА ЭШИКДАН...

Туркистон шаҳридаги Халқаро сайёҳлик ҳамда меҳмондўстлик университетида “Барқарор сайёҳлик концепцияси бўйича меҳмонхоналар очиш ва ривожлантириш” мавзусида маҳорат дарси ўтди.

Вилоят маданият ҳамда туризм бошқармасига қарашли “Open Turkistan” сайёҳлик ахборот марказининг ташаббуси билан уюштирилган тadbирда малакали таҳлилчилар минтақадаги меҳмон уйлари вакилларига маслаҳатлар берди.

Тadbир доирасида “Қозоғистон сайёҳлик ҳамжамияти”нинг таҳлилчилари Туркистон шаҳри ва Тўлебий туманидаги барча меҳмон уйлари оралиди. Уч бoсқич бўйича ғoлиблар аниқланиб, иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

“Энг яхши меҳмонхона” танлови натижасида Тўлебий туманидаги “Сейитбек”, “№1” ҳамда Туркистон шаҳридаги “Ethno Hostel Turkistan” меҳмон уйлари юқори балл тўплаб, ғoлиб бўлди. Уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун 300 минг тенгедан пул мукофотлари топширилди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Россиянинг Краснодар ўлкасидаги елканли спортдан Геленжик регатасининг XXXIII халқаро беллашуви ўтди.

Беллашувда Россия, Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатларидан мингга яқин спортчи иштирок этиб, ғoлиблар аниқланди.

Халқаро даражадаги беллашувда Туркистон вилояти спортчиси Владимир Чевричкин илк бор иштирок этиб, бронза медали соҳиби бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимиз шарафини ҳимоя қилган беллашувда 11 спортчи иштирок этиб, ҳамюртимиз ғoлиблар сафидан ўрин олди.

Владимир – Туркистон вилоятининг сув спорти турларидан олимпиада захираларининг ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчиси.

ҚИШЛОҚҚА ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Келес тумани Интимақ қишлоғи аҳолисига тоза ичимли сув берилди. 40 йил мобайнида “oбиҳаёт”ни тaшиб келтириб, истеъмол қилган аҳоли бу кунни узоқ кутганини яширмади.

Аҳолининг қувончига шерик бўлиш учун келган туман ҳокими Жанибек Ағабоев интимақликларни табриклаб, эл эзгулиги йўлидаги ишлар бардавом бўлишини маълум қилди.

Интимақ қишлоғида ичимли сув билан таъминлаш ишлари 2021 йили “Жылуэнерго ремонт” МЧБ томонидан бошланиб, бугунги кунга қадар 400га яқин хонадонга oби ҳаёт eтиб келди. Сув қувири тармоғи узунлиги 73, 7 қақиримни тaшқил этади. Ундан 2500 нафар аҳоли тоза сув истеъмол қилади.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Газетамизнинг фаол жонқуяри, вилоят жамоат кенгаши аъзоси ҳамда ҚХА қошидаги медиа-ция кенгаши раиси, “Битимгер” медиаторлар жамоа бирлашмаси раҳбари Бахтжан Жармаханули Бейсембаевни Қозоғистон Республикаси куни арафасида тақдирланган мукофотлари шодиёнаси билан самимий муборакбод этамиз.



Ҳурматли Бахтжан Жармаханули, Сизни ҚР Президенти, Қозоғистон Халқи Ассамблеяси раиси Қасим-Жумарт Кемелули Тўқаевнинг ҳамда ҚР Маданият ва ахборот вазири А. Балаеванинг фахрий ёрлиқлари, вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг “Вилоятда кўрсатган хизматлари учун” кўкрак нишонини ҳамда Қозоғистоннинг XI фуқаролик анжумани доирасида республика танловлари ғoлиби сифатида иккита диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Туркийлар оламининг маънавий пойтахтида эл бирлиги, юрт равнақи, ёшларни иймон йўлида тарбиялаш, oilаларни тотувлаштиришдек кўламдор фаолиятингизда мустаҳкам саломатлик, янги зафарлар, хонадонингизга барака шодлик тилаймиз.

“Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти.

»»» Обуначиларимиз орасида

Хусан Диметов раҳбарлик қилаётган А. Навоий номли ўрта мактаб ота-оналарининг умумий йиғилишида таълим ва тарбияга оид қатор масалалар муҳокама қилинди.



Шаҳар полиция бошқармаси капитани Еркебулан Бауржанули маърузасида ўқувчиларининг кечки соат 23.00 дан сўнг кўчада ота-онаси назоратсиз юриши қонун бўйича тақиқланганлиги, биринчи бор қоидабузарлар полиция бошқармаси томонидан огоҳлантирилиши, иккинчи марта жарима солиниши, учинчи марта тартибузарлик такорланса, ўқувчи махсус рўйхатга олиниши ҳақида огоҳлантирди. Шунингдек, тик турган ҳолда ҳаракатланиш учун мўлжалланган икки ғилдиракли транспорт воситаси – самокатда кўчада юриш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозимлиги айтилди. Электрон сигарета муаммоси ҳамон мавжуд.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Зокир Зокиров эришилган



ютуқлар баробарида эрталаб биринчи соат дарсга кечикиб келиш ҳолатлари кузатилаётгани ва ота-оналар назорати даркорлиги ҳақида фикр билдирди. Ижтимоий педагог Моҳида Мадишева мактабда ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга ҳомийлар томонидан кўрсатилган ёрдам кўлами, руҳшунос педагог Зебо Солиева ўқувчилар саломатлиги, директорнинг тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ақром Муромедов ўқувчилар тарбияси борасидаги

долзарб масалаларни батафсил баён этиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди. Ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг муштарак назорати ўқувчилар учун ҳаводек зарур. Назорат бор жойда муаммо кам бўлади. Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги борасида ота-оналар кўмитаси раиси Саъдулла Содиқов ташаббуси билан ташкил этилган истеъдодли санъаткор ўқувчилар беллашуви, футболдан шаҳар биринчилигида ғoлиб чиққан ўрта синф ўқувчилари ўртасида мактаб чемпионати уюшқoқли тaшқил этилганлигини таъкидлаш жоиз. Тadbирда мактабнинг фахрий футболчи битирувчилари Ҳакимжон Ҳожимуродов, Жўрабой Бобожоновлар ҳамда кекса устозлар ҳам иштирок этди.

2022-2023 ўқув йилида А. Навоий номли мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг 45 нафари олий ўқув юрларида грант ва тўлов асосида олий маълумот олаётганлигини фахр ила қайд этамиз. Лекин, жорий йил биринчи кўнғироқ байрамида мактаб биринчи синфларига атиги 88 нафар ўқувчи қабул қилингани тaшвишлантиради.

Масалан, Ҳамза номли мактабда бу кўрсаткич 145 ўқувчини тaшқил этди. Ота-оналар ҳамда мактаб устозлар жамоаси биринчи синфларга келадиган ўқувчилар сонини кўпайтириш юзасидан йил давомида биргаликда меҳнат қилишлари лозим.

Мактаб ҳовлиси ёнида қонуний авторутароғо масаласи кўтарилиб, ўқувчилар учун дарслик етишмаслиги муаммолари айтилди.

Таъкидлаш жоиз, ҚХА таркибидаги И. Ҳoшимжонов раҳбарлик қилаётган ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти сўрови асосида “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти Туркистон, Кентов шаҳарлари, Саврон ва Сўзоқ туманларидаги ўзбек тилида таълим берувчи умумтаълим мактаблардан тўплаган маълумотлар асосида етишмаётган дарсликлар рўйхатини тайёрлаб берди. Шу рўйхат асосида И. Ҳoшимжонов ҚР Таълим вазири Ғ. Бейсембаевга ёзма равишда мурожаат қилиб, амалий чора кўрилишини илтимос қилди. Жавобини кутамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратларда: тadbирдан лавҳалар.
Муаллиф тaсвирга олган.

»»»Брифинг

А. САБИТОВ: “САЙРАМ ТУМАНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЮКСАК”

Бу ҳақда вилоят минтақавий алоқалар хизматида Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов маълум қилди.

– Сайрам тумани вилоятдаги иқтисодий салоҳияти юксак, ўзига хос тараққиёт йўлига эга йирик ҳудуд, – деди учрашув аввалида А. Сабитов. – Туманда 235 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади ва бу кўрсаткич вилоят аҳолисининг 11 фоизини ташкил этади. Жумладан, 11та қишлоқ округи, 42та аҳоли манзили мавжуд.

2023 йилги туман бюджетининг миқдори 20,3 миллиард, даромадлар режаси 10 миллиард тенге. Даромаднинг ортиши туманнинг янада равнақ топиши, долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.



Туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарор, жорий йилнинг 9 ойида иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши таъминланди.

Ўтган 9 ойда туманга 38,9 млрд. тенге сармоя жалб этилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ошган.

А. Сабитов, шунингдек, туманда ҳудудий маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ошганини таъкидлади. Жумладан, 2023 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 185 млрд. тенгега етди, ўсиш 103,3 фоизни ташкил этади.

– Йил бошидан буён са-

ноат соҳасида 33,9 миллиард тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3 йилда 1,7 баравар ортиб, бугунги кунда туман вилоятда учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, 2023-2024 йилларда туманда жами 75 млрд. тенгега 19та сармоявий лойиҳани амалга ошириш ва 886та янги иш ўрни яратиш режаланган. Шу жумладан, йил бошидан 9та лойиҳа ишга туширилиб, 279та иш ўрни яратилди, – деди туман раҳбари.

Яқин келажақда амалга ошириладиган лойиҳалар қаторида сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Туран Агро ет-сүт” ишлаб чиқариш ширкати ҳам бор. Шунингдек, “Meat

корлик меморандумини имзолаган. Натижада, сайрамлик тадбиркор Хитой компанияси билан ҳамкорликда 2024 йилнинг март ойидан бошлаб қорамол териси, қон ва суякларини чиқиндисиз қайта ишлайдиган завод қурилишини бошлайди.

Сайрам тумани қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлардан. Йил бошидан буён ушбу соҳада 103,2 млрд. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, вилоятда етакчилик қилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойида вилоятда иссиқхона маҳсулотлари етиштириш режадан ошириб, бажарилиб, тумандаги иссиқхоналар майдони 75,7 гектарга етди. Чорвачилиқда ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 57 фоизи чорвачилик улушига тегишли. Сайрам тумани мамлакатимиздаги энг йирик қушхоналар жойлашган ҳудудлардан бири. Шу боис, мазкур соҳада йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Инфратузилма соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Тумандаги 42та аҳоли манзили электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Бугунги кунда табиий газ билан таъминлаш даражаси 81 фоизни ташкил этган бўлса, йил охирига қадар уни 88 фоизга етказиш режаланган. Шунингдек, туманда яхши ва қониқарли автомобиль йўллари улуши ўтган йили 62,4 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йили бу кўрсаткич 70 фоизга етди.

Учрашув якунида туман раҳбари А. Сабитов журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берди.

З. МҮМИНЖОНОВ.



ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИ РИВОЖЛАНАДИ

Тўлебий туманида йилқичилик ва от спорти истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари С. Дуйсебаев Олимпия ўйинлари дастурига киритилган от спортини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, нуфузли мусобақалар халқаро талабларга мувофиқ ташкил этилаётгани, йилқичилик ривожланаётганини таъкидлади.



– Хўжаликларда йилқи бошини кўпайтириш, наслини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, – деди у. – Туманимизда З. Жеткеров раҳбарлигида от спорти федерацияси фаолият юритмоқда. Йилқичилик ва от спортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш ва тарбиялаш, миллий от спортининг доврuginи ошириш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида спортнинг бу турини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чавандозларимизнинг вилоят ва республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, республика терма жамоаси сафига қабул қилинишида Зиябекнинг хизмати катта. Нуфузли мусобақаларга у чавандозларни ўз ҳисобидан олиб борапти. Тумандаги улоқчи отлар етиштирадиган кичик фермалар ҳам у кишининг назоратида.

– От миннш маданияти ва йилқичилик ер юзига Буюк Даштдан тарқалган. Йилқини қўлга ўргатиш орқали ота-бобларимиз ўз даврида мислсиз ҳукмронликка эга бўлдилар. Дунёвий миқёсда олиб кўрсак, хўжалик юритиш ва ҳарбий соҳада тенги йўқ имкониятга йўл очдилар, – деди туман фахрийлар кенгаши раиси Е. Шинғисбаев. – Йилқининг қўлга ўргатилиши от миннш маданиятига асос солди. Қилич ёки камон ва ёйни елкасига осган чавандоз кўчманчилар империялари тарих саҳнасига чиққан даврнинг

рамзига айланди. Суворий – отлик, чавандоз. Хайриятки, ҳали юртимизда алпқомат, довжурак чавандозларимиз кўп. Халқимиз орасида от, отлик, чавандоз, улоқ-кўпқари ҳақида кўп гаплар юради. Кейинги юз йилларнинг нари-берисиди қишлоқларимизда номи элга танилган, машҳур чавандозларимиз, улоқчи отларимиз кўп бўлган. Улар билан доимо фахрланганмиз, номларини дoston қилганмиз.

– Кўпқари – қадимий, шу билан бирга ҳозирда ҳам севиб томоша қилинадиган ҳайлол ва мардлар ўйини, – деди З. Жеткеров. – Отнинг зарбига ҳар ким ҳам бардош бера олмайдди. Бунинг учун чавандоз жисмонан бақувват, соғлом ва қаққон бўлиши керак. Кўпқари – қунар, чапдастлик, қолаверса, йигит ва отнинг биргаликдаги санъати. Маҳорат бўлмаса, ўта бақувват йигитлар ҳам от чополмайди. От устидаги ўйинлар ҳам худди ердаги каби турфа хил бўлади. Баъзида ғирромлик – сиртга чиқариб юбориш, жиловлаш, олдини тўсиш каби ҳолатлари ҳам учраб туради.

– Туманимиз йирик сайёҳлик марказига айланиш арафасида, – деди «Сайрам – Ўғем» жамоат ташкилоти раҳбари А. Абдешов. – У ҳолда отга эҳтиёж яна ортиб боради. Сайёҳлар тоғларга чиқиш учун маҳаллий аҳолидан отлар олиб, белгиланган миқдорда ҳақ тўлашмоқда. Баъзан эса, пулга ҳам от топилай қоляпти.

– От – йигитнинг йўлдоши, одамни «тушунадиган», со-

диқ жонивор, – деди чавандоз С. Умаров. – У кишига дўст, уни офату балолардан сақлайди. Шунинг учун ҳам тулпорлар ҳақида кўплаб ривоятлар ҳикоялар мавжуд. Қолаверса, танглайимиз Бойчибор ҳақидаги эртақларни тинглаш билан кўтарилган. Ҳали бешиқдалигимиздаёқ оналаримиз, момоларимиз учқур тулпорлар ҳақидаги эртақларни қўлогимизга сингдирган. Қарияларимизнинг айтишича, от бор хонадонда қут-барақа бўларди, чунки, бу жонивор ярим тунгача ўзига, ярим кечадан кейин эса эгасининг хонадонига ризқ-насиба тиларкан. От минган одам касал бўлмайди, деган сўзларнинг тўғрилигига ўзим амин бўлганман.

Тадбирни яқунлаган С. Дуйсебаев туманда йилқи сони жорий йилда 30 минг бошга етганини таъкидлади. 16та хўжалик қимиз етиштираётгани, ўтган йили 678 тонна қимиз вилоятимиз бозорларида сотилгани, йилқичиларга 26,8 млн. тенге субсидия берилганини айтди.

– Жорий йилда йилқичилик билан шуғулланадиган хўжаликлар сони 53тага етди, деди у. – Давлат томонидан 84,3 млн. тенге молиявий ёрдам кўрсатилди. От спортини миллий ва замонавий турлари билан уйғун ривожлантириш, жойларда замонавий от спорти мактаблари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самара бермоқда.

Б. ДҮСМАТОВА.

»»» Адолатли Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

“...Инсоният тарихида мисли қурилмаган синовлар ва туб ўзгаришлар даври бошланди. Бундай муҳим даврда бизда юксак иқтисодий тараққиёт учун барча имкониятлар мавжуд. Бунинг учун босқичма-босқич янги иқтисодий шаклга ўтишимиз керак. Бу ишни дадил олиб боришимиз керак. Асосий мақсад – қоғозда юксак марраларни қўлга киритиш эмас, балки амалда халқнинг ҳаёт сифатини ошириш бўлмоғи жоиз.

Қасим-Жўмарт ТҮҚАЕВ. “Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши”.

АГРАР СОҲА РАВНАҚИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ



ҚР Президенти Қ. Тўқаев давлат хизматчиларининг фаолиятида бепарволик, кўзбўямачиликка йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлаган эди.

Фикримча, Давлат раҳбари нафақат кўзбўямачиликни ошқоралаяпти, шунингдек, ёлғон ахборотнинг «Адолатли Қозоғистон» тамойиллариға мос келмаслиги, бу иқтисодиётимизни ривожлантиришда катта тўсиққа айланиб бораётгани ҳақидаги фикрини билдирди.

Соҳани тўғри бошқариш учун эса маҳаллий жойлардаги аҳволни аниқ-равшан билиш лозим. Мисол тариқасида қишлоқ ҳўжалигимиз, аниқроғи, ғаллачилик соҳасини олиб қўрайлик. Бу йилги қурғоқчилик соҳада йиғилиб қолган кўплаб муаммоларни юзага чиқарди.

Масалан, нега ривожланган мамлакатлар бир хил об-ҳаво шароитида биздагидан 2 баравар кўп ҳосил ола-

ди? Нега бизнинг асосий рақобатбардош давлатларимизда сўнгги 15 йилда ғалла ҳосилдорлиги 30-40 фоизга, бизда эса бор-йўғи 14 фоизга ўсди? Нима учун ғалла етиштирадиган бошқа йирик мамлакатларда нонинг баҳоси биздаги каби кўтарилмайди?

Балки бундай саволлардан кейин мазкур соҳанинг давлат сиёсатиға жиддий тузатишлар киритиш керакдир? Ҳозирча масалани таҳлил қилсак, бизда қоғоз юзида, баёнотларда ҳаммаси бенуқсон. Масалан, йил сайин баҳорда “деҳқон хўжалиқлари энг яхши навли уруғлик билан таъминланди”, деб ахборот берамиз. Аслида, қандай?

Бу йил А. Бараев номли ғаллачилик илмий-тадқиқот институти олимлари шимолӣ вилоятлардаги элита уруғлик етиштирадиган 23та хўжалиқнинг “энг юқори сифатли” уруғлигини тек-

ширди. Натижада уларнинг аксарияти мoғор бoсган ва бактерияли касалликларға учраганлиғи аниқланди.

Яна бир мисол, ҳoқимликларнинг экин экиш ва йиғим-терим ишлари яқунлангани борасида бериладиган расмий маълумотлари бир-бириға тўғри келмайди. Бунинг ўзи юз минглаб гектар майдонларнинг қаровсиз, бўш ётганлиғидан дарак беради. Деҳқончиликда ўсимликлар учун тупроқдаги зарур намлиқни ошириш мақсадида алмашлаб экишға дам берилаётган майдонларни киритишнинг моҳияти зўр. Ғалла етиштирадиган хўжалиқлардан бирининг маълумотига қўра, жорий йилги дам берилган майдонлар қўлами 720 минг гектарни ташкил этган, сунъий йўлдошдан туширилган суратлар бўйича 2 баравар кам бўлиб чиққан.

на қолмай, аграр соҳани тўғри ривожлантира оламиз.

Президент “Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши” Мақтубида “Қишлоқни ривожлантириш учун кичик хўжаликларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. “Қишлоқ омонати” дастури долзарблигини исботлади. Навбатдаги босқичда фақат ижтимоий насия бериш билан чекланиб қолмаслик жоиз. Хусусий томорқа хўжалиқлари ўзаро бирлашишлари жоиз. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилиши даркор. Машина-трактор паркиннинг эскириши жиддий муаммоға айланди. Ҳозир қишлоқ хўжалиғи техникаларининг 80 фоизи эскирган. Шунинг учун ҳар йили унинг 8-10 фоизини янгилаш зарур. Шу билан бирга, мамлакат техника ишлаб чиқарувчилари ва деҳқон хўжалиқларнинг манфаатларини инобатға олиш жоиз”, дея, Ҳукуматға улкан вазифаларни юкледи: “Олдимизда турган яна бир вазифа – агросаноат мажмуасини юксалтириш. Қишлоқ хўжалигининг салоҳияти жуда улкан, аммо биз имкониятларимиздан тўлиқ фойдалана олмаямиз. Замонавий қишлоқ хўжалиғи – юқори технологияли соҳа. Хўжаликларни тупроқ ҳолати ёки об-ҳаво эмас, инновациявий амалиётлар муваффақиятға етаклайди. Замонавий илм-фансиз қишлоқ хўжалиғи барбод бўлади. Агрофани ривожлантириш юзасидан чоралар қўриш, энг муҳими, уни қишлоқ хўжалиғида амалий қўллаш зарур. Миллий аграр илмий-маърифий марказини илмий тадқиқот ишларининг барча босқичларини қамраб олувчи агро-технология майдониға айлантириш зарур”, деди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энди асосий мақсад – қоғозда юксак марраларни қўлга киритиш эмас, балки амалда халқнинг ҳаёт сифатини ошириш бўлмоғи жоиз. Шундагина пулнинг қадрсизланиши секинлашади.

А. АБДУФАТТОҲ.

Бейбит Жуқаев Қозоғистоннинг иккинчи ракетқаси бўлди.

»» Обуна – 2024

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида ахборий урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни – қора, қорани – оқ деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ.

Босма ахборот воситалари, яъни газеталар обунаси ҳақида, тўғрироғи, мажбурий обуна тўғрисида гап-сўзлар кўпайиб, баҳс мунозаралар давом этмоқда. Муассасалар раҳбарлари, шу жумладан, айрим мактаб директорлари ҳам "Мен ҳеч кимни мажбурлай олмайман, обуна мажбурий эмас", дея, елка қисиймоқда. Бундай раҳбарни зиёли дейиш мумкинми?

Кўз қорачиғимиздек асраётган мустақиллигимизга қарши қаратилган хуружлар, тинч ҳаётимизни кўролмаётган шахсларнинг ҳийланайранглари – буларнинг барчаси «ўзи хоҳлаган ишни қилсин, мажбурламанг»нинг орқасидан келиб чиқмадими? Фарзандларимиз, ўргимчак турунинг мана шу қопқонларидан, вавасаларидан ҳимоя қилмайлмизми? Бунда газеталарнинг ўрни йўқми? Қайси босма ахборот воситасида мана шундай хавф бор?

Давлатимиз раҳбари жорий йили матбуот ҳодимларини касбий байрами билан табриклар экан, ушбу масаллага кенг тўхталди. «Журналистика соҳасида ишлаш улкан шараф ва юксак масъулиятдир. Халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда маҳаллий оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутати. Журналистлар сафида ўз касбининг юксак ва эзгу ғояларига доимо содиқ қолган ўз ишининг ҳақиқий усталари бор. Улар жамият фаровонлиги йўлида ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳақли равишда миннатдор ўқувчилар ва томошабинлар эътирофига лойиқдир. Бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқлар нотўғри маълумотлар билан тўлиб кетган. Ушбу оғир шароитда сизнинг ҳолис ва танқидий нуқтаи назарингиз сохта ва тахминлар тарқалишига ишончли тўсиқ бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳозирда касбий журналистиканинг аҳамияти ҳар доимгидек юксак бўлиб қолмоқда. Журналистнинг ҳар бир сўзи Янги Қозоғистонни барпо этишдек кенг кўламли мақсадга эришишга улкан ҳисса қўшмоқда», деди у.

Интернетдаги олди-қочди, шовшувлардан кўра ижтимоий ҳуқуқий

МАЖБУРИЯТМИ ЁКИ МАСЪУЛИЯТ?

ГАЗЕТА ЎҚИМАЙМИЗМИ, ОДАМЛАР?



ва сиёсий масалаларга ва ўз тармоқ муаммоларига кўпроқ эътибор қаратаётган сиёсий, ижтимоий, маърифий ва ҳуқуқий газеталарга обуна йилдан йилга камайиб кетмоқда. Обуна уюштириш масаласида салбий фикрлар кўтарилмоқда. Бу босма ахборот воситаларига қарши атайлаб уюштирилаётган тадбирга ўхшайди.

Тасаввур қилинг, сариқ матбуотдан бошқа ижтимоий, сиёсий, маърифий, ҳуқуқий газеталар чиқмаяпти. Улар тўлдириб турган маънавият, маърифат, ҳуқуқий билим ва ижтимоий тушунчалар ўрнидаги бўшлиқни интернет тўлдириб, газеталар бераётган ижтимоий сиёсий муҳитни ярата олмаслигини ўтган йили юз берган январь фожиаси исботлади.

Ҳозир ҳамма ўз ҳуқуқини талаб қилади. Лекин ўзларининг ҳуқуқи учун курашаётган газетачи обуна бўлмайди. Нима бу, маънавий қашшоқликми ёки маънавият турғунчасининг жамиятдан узилиб, шахсийлашиб қолганими? Бир тирноқ бўёгининг нархига аёллар газетасини бир йил ўқиши мумкин, лекин болангиз учун бирорта болалар газетасига ёки журналга обуна бўлинг, десангиз, мажбурлаб обуна қилдиришяпти, дейишди.

— Аслида боланинг маънавий камолоти учун ким масъул? Биринчи навбатда ота-онаси эмасми? Ҳозир ота-оналар болаларига замонавий телефон, планшет олиб бераяпти. Лекин биронта хонадон хонтахтасида газета, журнал кўрмайсиз. Ваҳоланки, шу телефон нархининг

ўндан бирига хонадонингизга икки учта газета мунтазам келиб туриши, ундан бутун оила аъзолари баҳраманд бўлиши мумкин. Қайси бири муҳимроқ аслида, — дейди ҳамкасбимиз Сафар Остонов?

Интернетдаги манбаларда ёзилишича, Европа мамлакатларида ҳар мингта аҳолига олти юз, Японияда етти юз донга газета тўғри келар экан. Бизда эса газетхонлар сони йилдан йилга камаймоқда.

Китоб ўқи, газета ўқи, деб, Президентнинг ўзи мудом таъкидлаб турибди. Шундай экан маънавиятда ҳеч қачон бўшлиқ бўлмаслиги керак. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Зеро улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганларидек, бу «ё ҳаёт, ё мамот масаласидир». Ҳақиқий маърифатпарвар бўлган адибнинг бу сўзларини билмайдиган инсон бўлмаса керак. Бу сўзлар ҳали ҳануз ўз долзарблигини, аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Мақоламини яна Президентимиз Қ. Тўқаевнинг қуйидаги фикрлари билан якунлайман: «Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик онгини янгилаш, миллатнинг янги сифатини шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Улар кенг омма учун фаолият юритиб, илғор ғоя ва қарашларни тарғиб этиб, жамиятимизда меҳнатни улуғлаш ва фуқароларда ўз Ватани тақдирига масъулиятли муносабатини шакллантиришга ҳисса қўшмоқда».

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

»» Обуначиларимиз орасида

Янги Иқон кишлоғидаги энг кўҳна билим даргоҳи – М. Улуғбек номли мактабни 17 йил самарали бошқарган ҳамкасбимиз Аблайхан Қурманбековни фахрий устозлар даврасида нафақага чиқиши муносабати билан муборақбод этиб, мустаҳкам саломатлик, кексалик гаштини суриш саодатини тиладик. Туркистон шаҳридаги А. Байтурсинов номли мактабдан сўнг кишлоғимизда биз билан бирга меҳнат қилган ҳамда кўп эзгу тадбирларга бош-қош бўлган А. Қурманбековнинг умумий педагогик меҳнат тажрибаси 40 йилдан зиёд.



М. УЛУҒБЕК НОМЛИ МАКТАБДА



Ўқув йилининг иккинчи чорагидан бошлаб, мактабимизни бунга қадар Саврон тумани Бершинтўбе кишлоғидаги Ў. Жанибеков номли мактабга раҳбарлик қилган Ўткир Қудретов бошқаради. Янги раҳбарга омад, ютуқлар тилаймиз. Мактаб касабга уюшмаси кўмитаси ҳамда бошланғич ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Умхон Йўлдошевнинг саъй-ҳаракатлари билан республика куни байрами арафасида нафақа ёшидаги бир гуруҳ собиқ устозлар Қозоғистон Таълим вазири Ғ. Бейсембаевнинг ташаккурномаси билан тақдирланди. Олим Қосимов, Матлуба Бобоева, Гулбехра Бобоҳўжаева, Люба Бахромова, Райхон Алдабергенова, Карима Хўжаева, Воҳид Шерме-

тов, Муҳаммадрайим Расулов ҳамда камина ўзларига кўрсатилган иззат-ҳурмат учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, барчани 2024 йилнинг биринчи ярмига "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасида фаол иштирок этишга даъват этаман. Шахсан ўзим 54 нусха билан "Жанубий Қозоғистон" нашри обунасига ҳисса қўшмоқдаман.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Янги Иқон кишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

»» Тарихингдир, минг асрлар...

Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида қозоқ шоири, "Фузүлий" халқаро мукофоти лауреати, "Дунё турклари марши" муаллифи, серқирра ижод соҳиби Қурал Кўмек таваллудининг 65 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтди. Тадбир доирасида шоирнинг "Ишонч ғалабаси" ва "Боболар руҳи" китоблари тақдими ўтди.

Тадбирда туман «Ёшлар имконият маркази» вакиллари ва этномаданият бирлашмалари аъзолари иштирок этишди. Тақдиротни Ленгер шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Ўрдабек Абдуқалимов очди.

— Президентимизнинг дунёнинг энг бақувват ва тараққий этган давлатлари раҳбарлари билан учрашаётгани, халқаро иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги музокара-лари қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади. Элимизда хотир-жам, баҳамжиҳат яшаётган этнос ва эзлатлар бирдамлигининг узок тарихий илдизлари мавжуд. Минг йилликлар мобайнида Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз савдо-сотик, маданият, илм-фаннинг маркази ҳам бўлган. Бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга халқлар маданияти ва динини ҳурмат қилиш, биродарлик каби ижобий фазилатлар ҳар томонлама шаклланган. Шу боис турли урф-одат ва анъаналар бақамти ривож топиб келган. Шунинг учун ушбу тадбирнинг шаҳримизда ўтказилишида улкан маъно бор.

Шоир Қурал Кўмекнинг "Боболар руҳи" номли янги китобига шоирнинг сўнгги йилларида ёзган поэмалари жамланган бўлиб, унда маънавиятнинг маъно-моҳияти узок йиллик ҳаётий кузатишлар, мустақиллик йиллари тажрибалари ва бугун дунё миқёсида юз

бераётган воқеа-ҳодисалар, инсон руҳий оламидаги ўзгаришлар мисолида ғоят таъсирчан очиб берилган: "Ишонч ғалабаси" китобига эса Туркиянинг Чаноққалъа жангидаги туркий олам учун ҳал қилувчи, муҳим ғалаба шеърини мисраларда баён этилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу китобнинг дастлабки тақдими Туркиядаги Чаноққалъада ўтган. Шоирнинг "Дунё турклари марши"га бошқирдистонлик композитор Нур Даутов мусиқа басталаган. Унда, жумладан, қуйидаги сатрлар ўрин олган:

Олға бос, қардошим, тортинма,
Халқим бор, меҳнаткаш, ортингда,
Номус ва ор учун курашда,
Ханжарнинг юзидай ярқира.
Ҳамоҳанг урсинлар,
найзали юраклар.
Тинчлигинг асрасин билалқар.
Тетикдир, руҳимнинг чироғи,
Ғалабага чорласин, тилақлар.
Қўлни қўлга бер, Самарқанд,
Туркистон,

Астана, Анқара – биродар.
Бишкегим, Боқуим, Ашхобод,
Қадр тут, дўстлигини, биродар.
Отадан омонат, бирлигини,
Унутма Култегин мардлигин.
Омон бўл жигарим, тоабад,
Азалдан қадрдон элпаримиз.
Умрда Юнусим мангулик,
Абайим, Манасим ҳам буюк.
Улуғбек, Махтумқули, Қидирим,
Нур сочар оламга, қуёшдек.
(Муаллиф таржимаси).

Турк этномаданият бирлашмаси раиси М. Тоиров тадбирда сўзга чиқиб, тили яқин, дили бир, истаги бир, мақсади бир туркий халқлар ўртасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш шу куннинг долзарб масаласи эканлигини айтиб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.



— Жамиятнинг олдинги қаторларида турувчи шоир ва ёзувчилар ҳам тил ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Улар бир эмас, тўрт-беш тилда ижод қилса, жажон адабиёти намуналарини бевосита таржима қилиш имконига эга бўлса, этнослар, қадрият ва анъаналарини маҳорат билан дунё тилларига ўғириб, маданиятимиз ва адабиётимизнинг ноёб қирраларини дунёга танитса, — дея таъкиф қиритди у.

— Қозоғистонда «Келажаги ягона миллат» ғояси тарғиб қилинади. Бу таҳсинга лойиқ, Зеро, инсонлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик алоқалари қадим-қадимдан халқимиз томонидан улуғланиб келаятган фазилатдир. Дўстлик туфайли эл-юрт тинч ва обод, халқлар фаровон яшаган. Халқлар

дўстлигининг улуғворлиги шундаки, ҳар бир халқ ўзига хос ажойиб ва гўзал анъаналари билан бир-бирини бойитида, ҳаётини гўзаллаштиради, — деди славян этномаданият бирлашмаси раиси С. Шишкина.

— Турон давлатлари – қуёш фарзандларидир. Шунинг учун унинг ери олтин, ҳавоси беғубор, суви ширин, халқлари улуғвордир. Бу сўзлар турк шоири Мунаввар Дювелнинг дил изҳорларидан, — деди «Ёшлар имконият маркази» вакили А. Аҳмедов. — Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг «Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши» Мақтубини биз ҳам муталаа қилдик. Унда агар ҳар бир инсон ватанпарвар, билимли, меҳнатсевар, интизомли, ҳалол, адолатли, тежамкор ва меҳр-оқибатли бўлса, биз забт этолмайдиган доvonлар бўл-

маслиги айтилган. «Қозоғистон – ягона ватанимиз. Унинг пойдевори мустаҳкам, иқтисоди юксак бўлиши ҳам ўз қўлимизда. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бепоеъ заминни асраб-авайлаш ва ривожлантириш фарзандлик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини ушбу муқаддас бурчга содиқ бўлишга чақираман. Ҳамжиҳатлигимизни асраб-авайлаб, меҳнат қилсак, она заминимизни обод қилиб, уни тараққий этган давлат сифатида келажак авлодга етказсак, бу аждодлар меросига содиқликдир!», деди Давлат раҳбари.

Ижодий учрашув давомида унинг иштирокчилари тумanning диққатга сазовор, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишди.

Б. РЎЗИМАТОВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортықбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саврон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентлов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебий — Баҳорий ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хушрид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90 Тулқибаш — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРҒОНБОВЕВ.		● Мақолапар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолапарга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 уғвоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ босмаханасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	Нашир кўрсаткичи – 55466. Адади – 12100 нуска.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозогистон Республикасида тарқатилади.		Бюрога: 2790 Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.